

**“Tashkent Law Spring” Халқаро юридик форумида иштирок этиш тўғрисида
ШАРТНОМА № _____**

Тошкент ш.

“ _____ ” _____ 2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда - “Ташкилотчи”) номидан Низомга асосан фаолият юритувчи вазир ўринбосари А.Ташкулов бир тарафдан (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) _____ номидан _____ га асосан _____ фаолият юритувчи _____ иккинчи тарафдан куйидагиларни назарда тутувчи шартномани туздилар:

I. Шартнома предмети

1. Ташкилотчи 2020 йил 23-25 апрель кунлари Тошкент шаҳрида (_____) жойлашган _____ да бўлиб ўтадиган “Tashkent Law Spring” Халқаро юридик форуми (кейинги ўринларда “Форум”) доирасида ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса бу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ташкилотчи бунда Буюртмачи томонидан танланган пакетлардан бири бўйича:

- “Premium” пакети – форум иштирокчиларига 2 кун мобайнида тушлик, кофе-брейк ва концерт дастури ҳамроҳлигида кечки овқатни кўшган ҳолда пленар йиғилишларда, муҳокама сессияларида иштирок этиш имкониятини яратиш ҳамда форумга оид тарқатма материалларни тақдим қилиш;

- “Standart” пакети – форум иштирокчиларига 2 кун мобайнида тушлик ва кофе-брейкни кўшган ҳолда пленар йиғилишларда, муҳокама сессияларида иштирок этиш имкониятини яратиш ҳамда форумга оид тарқатма материалларни тақдим қилиш;

- “Maxsus” пакети – форум иштирокчилари (талабалар, аспирантлар, докторантлар учун) 2 кун мобайнида тушлик ва кофе-брейкни кўшган ҳолда муҳокама сессияларида иштирок этиши имкониятини яратиш ҳамда форумга оид тарқатма материалларни тақдим қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. Ҳисоб-китоб қилиш шартлари

2. Форумда қатнашиш учун ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган пакет нархлари ҚҚСсиз:

1) “Premium” пакет – 1 кишига 3 500 000 сўмни, . битта ташкилотдан **уч кишидан кам бўлмаган иштирокчилар қатнашганда бир кишига тўлиқ пакет қиймати 3 000 000 (уч миллион) сўмни;**

2) “Standart” пакет – 1 кишига 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўмни;

3) “Maxsus” пакет (талабалар, мустақил тадқиқотчилар, докторантлар учун) – 1 кишига 1 000 000 (бир миллион) сўмни ташкил этади.

Мазкур шартноманинг умумий суммаси _____ (_____) сўмни ташкил қилади.

3. Давлат бюджетидан маблағ олувчи Буюртмачи ўз вакилларининг иштироки учун мазкур шартноманинг 2-бандида назарда тутилган пакетлар доирасида танланган пакетининг умумий қийматининг 15 фоизини олдиндан мазкур шартнома Молия вазирлиги ғазначилиги томонидан рўйхатга олингандан сўнг 5 (беш) кун ичида, қолган 85 фоиз миқдори эса ҳисоб-фактурага асосан Форум якунидан сўнг 5 (беш) кун ичида тўлаб беради.

Хўжалик ҳисобидаги Буюртмачи ўз вакилларининг иштироки учун мазкур шартноманинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган пакетлар доирасида танланган пакетининг умумий қийматини 100 фоизини олдиндан мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб 5 (беш) кун ичида тўлаб беради.

4. Тўлов мазкур шартноманинг VII бўлими “Ташкилотчи” устунидаги махсус ҳисоб рақамига пул маблағларини кўчириш ёки нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг мажбуриятлари

5. Ташкилотчини мажбуриятлари:

- Буюртмачининг Форум расмий веб-сайти (<http://tashkentlawspring.uz>)да рўйхатдан ўтган ва қатнашиш тўлови амалга оширилган вакилларининг (кейинги ўринларда иштирокчилар) Форум тадбирларида иштирок этишини таъминлаш;
- иштирокчилар учун кўзда тутилган тарқатма материалларни тақдим қилиш;
- Буюртмачи томонидан танланган пакетлардан келиб чиқиб тушлик, кофе-брейк ва концерт дастури ҳамроҳлигида кечки овқат билан таъминлаш.

6. Буюртмачини мажбуриятлари :

- мазкур шартноманинг 2-бандида белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлаб берилишини таъминлаш;
- мазкур шартнома интизомига риоя этиш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

7. Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 2-бандида кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўйича тўловлар шартноманинг 3-бандида белгиланган муддатда амалга оширилмаганда ёки кечиктирилганда ёхуд тўлиқ тўланмаганда Буюртмачи Ташкилотчига кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган пул маблағлари суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ тўланмаган пул маблағлари суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорида пеня тўлайди.

8. Ташкилотчи Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 2-бандида кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўйича амалга оширилган тўловларни шартноманинг 3-бандида белгиланган муддатда қабул қилмаганда ёки кечиктирилганда Ташкилотчи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун қабул қилинмаган пул маблағлари суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ қабул қилинмаган пул маблағлари суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорида пеня тўлайди.

V. Низоларни ҳал этиш

9. Мазкур шартномани ижро этиш давомида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар имкон қадар тарафлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади. Тарафлар ўртасида юзага келган низо бўйича келишувга эришилмаганда, низо суд тартибида кўриб чиқилади.

VI. Қўшимча шартлар

10. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар уларнинг ёзма шаклда ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

11. Шартнома ҳар икки тараф томонидан имзоланган пайдан бошлаб кучга киради ва 2020 йил 31 декабргача амал қилади.

Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши тарафларнинг бажарилган хизмати учун тўлов қилиши ёки тўланган пулга хизмат кўрсатилмаганда қайтариш мажбуриятини бажаришдан озод қилмайди.

12. Мазкур шартнома икки нусхада ўзбек тилида тузилди. Ҳар икки нусха бир хил кучга эга. Шартномада назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. Шартнома бўйича тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари:

Ташкилотчи:	Буюртмачи:
<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Манзил: Тошкент ш. Сайилгоҳ к. 5 уй, Х/р: 2020 3000 7040 4784 2001 МФО:00407 ЎзР ТИФ Миллий банки Операциялар бош бўлини маси СТИР: 201 122 775. ОКЭД: 97300</p>	<p>Манзили _____ Х/р: _____ МФО: _____ СТИР: _____ ОКЭД: _____</p>
<p> А.Ташкулов</p>	<p>(имзо) _____ (И.Ф.) _____</p>

